Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2011 йил 30 декабрь, № 252 (5419) Жума

Президент арчаси

Бугун мамлакатимизда ҳар бир мурғак фарзанд давлатимизнинг юксак эътибор ва ғамхўрлиги оғушида камол топмоқда. Уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, келажагимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши учун барча имконият ва замонавий қулайликлар муҳайё этилаётир. Айниқса, ижтимоий қўмакка муҳтож болалар бундай меҳр-мурувватдан ҳамиша баҳраманд.

МЕҲР НУРИДАН ЧАРОҒОН ДИЛЛАР

Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида бошланган “Президент арчаси” тантаналари мисолида бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва “Sen Yolg`iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган шодиёнага Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

...Саҳнада муҳташам арча. Унинг атрофида Қорбобо ва Қорқиз ҳамда “Томоша” болалар шоу-гуруҳининг кичкинтойлари. Улар иштирокида “Бу сирли олам” деб номланган махсус театрлаштирилган мусиқали байрам дастури намойиш этилди, куй-қўшиқлар, шеърлар янгради. Интеллектуал ўйинлар болажонларнинг топқирлиги ва зукколигини синовдан ўтказган бўлса, шўх наволар уларни рақса чорлади. Турли эртак қаҳрамонлари ижросидаги чиқишлар болажонларни эртакларнинг сирли олами сари етаклади.

— Бугун “Президент арчаси” тадбирлари орқали мурғак қалбларга инган қувонч кўпга татийди, — дейди пойтахтимиздаги 31-Меҳрибонлик уйи директори Ҳусния Ризаева. — Биз ҳам уларнинг хурсандчилигига шерик бўлганимиздан бениҳоя шодмиз. Бунинг учун Юртбошимизга раҳмат. Бундай юксак меҳр-мурувватни ҳис қилиб улғаяётган ёшлардан келажакда эл-юртнинг чинакам фидойилари етишиб чиқишига ишончимиз комил.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗБЕКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МУКАММАЛ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН»

Тошкентда 25-26 ноябрь кунлари бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум ҳамда мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллик байрами Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари томонидан ўтказилаётган брифинг ва давра суҳбатларида атрофлича муҳокама этилмоқда.

Жумладан, Саудия Арабистони подшоҳлигининг Жидда шаҳрида мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси томонидан мазкур халқаро симпозиум якунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги мавзуларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди. Тадбирда Саудия Арабистони подшоҳлигининг давлат тизимлари, соғлиқни сақлаш, маданий муассасалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг 20 йили мобайнида мамлакат Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислоҳотларни амалга оширгани ва бунинг мантиқий натижаси ўлароқ, соғлиқни сақлашнинг самарали миллий модели юзага келганини қайд этдилар. “Буни оналик ва болаликни муҳофаза қилишда яққол кўриш мумкин”,

Дунё нигоҳи

деган якдил фикр тадбир чоғида бир неча бор тилга олинди.

Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қатор давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Улар доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аёллар саломатлигини ҳимоя қилиш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро меъёрларни амалиётда қўллаш, табобат ходимларининг малакасини ошириш, шунингдек, оилада тиббий маданиятни такомиллаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилаётир. Булар, шубҳасиз, соғлом авлоднинг дунёга келиши ва баркамол вояга етишига, пировардида миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳоли умрини узайтириш ҳамда уларнинг ҳаёт тарзи сифатини юксалтиришга қўмаклашиши алоҳида қайд этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб 2011 йил 7 декабрда Тошкентда бўлиб ўтган тантанали маросим тафсилотлари ҳақида ҳам сўз борди. Унда Конституцияда ўз аксини топган тамойиллар мустақил тараққиёт йиллари давомида эришилган улкан муваффақиятлар учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилгани алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчиларининг фикрича, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги, мамлакатда тинчлик ва ҳамжиҳатлик таъминланиши сингари юксак мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

(Давоми 2-бетда).

Ахборотлаштириш асри, деб аталаётган ҳозирги даврда билим ва тафаккурни, бошқача айтганда, интеллектуал бойликни тараққиётга етакловчи таъсирчан куч, дейиш мумкин. Мамлакатимизда истиқлол йилларида ана шу бойликни бунёд этувчилар — ихтирочилар, ижодкорлар, тадқиқотчиларга юксак эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолиятлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Бу жараён изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш зарурати ҳақида алоҳида таъкидланган. Зеро, бугунги тараққиёт асосини ташкил қилувчи интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришни давр нинг ўзи тақозо этмоқда.

Қонун кучга кирди

Яқинда матбуотда эълон қилинган “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам ушбу мақсадларга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда интеллектуал мулк соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғига айланган. Шунинг учун интеллектуал мулк муҳофазасини янада такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Табиийки, бунда интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш мақсадида ягона давлат сиёсатини олиб бориш ва амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти шароитида инновация технологиялари ҳамда ихтироларни, илмий-техникавий ва саноат ишланмаларини, бадиий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни такомиллаштириш, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади.

Президентимизнинг юқорида номи келтирилган қарорида кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди.

Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоялаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишни амалга оширади. Айни чоғда патент ҳужжатларининг давлат фондини ҳамда интеллектуал мулкнинг расман рўйхатдан ўтказилган объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш ҳам агентлик фаолиятининг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Шу билан бирга, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза этиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиб, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ҳамда айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

(Давоми 2-бетда).

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

Юртимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида аҳоли бандлиги ва даромадларининг барқарор манбаи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, якунига етаётган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида соҳага дахлдор бир неча Фармон ва қарорлар қабул қилингани тадбиркорлик ривожида янги саҳифа очди.

Пировардида тадбиркорларнинг эркин ишлашлари учун қулай муҳит яратилди. Ҳозирги кунда кичик бизнеснинг иқтисодиётимизда муҳим таянч кучга айлангани шундан далолат беради.

Урганч шаҳридаги “Мини аккумулятор” масъулияти чекланган жамияти фаолиятида ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлар самараси яққол кўзга ташланади. Тадбиркор Арслон Қаландаров раҳбарлик қилаётган мазкур корхона бундан йигирма йил аввал уч нафар ходим билан иш бошлаган эди. Кейинчалик бу ерга 5 миллион сўмлик банк кредити эвазига хориждан ўн минг дона турли хил аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар келтирилиб, ўрнатилгани ишчилар сонини кўпайтириш имконини берди.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол йилларида тадбиркорлик ҳаракати, айниқса, кичик бизнес ривожи учун барча шарт-шароит яратилди. Президентимиз ташаббуси билан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши бу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириб юборди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ

Айни пайтга келиб, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби соддалаштирилди, рўйхатга олиш учун давлат божи қисқартирилди. Бундан ташқари, давлат ва назорат органларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашуви кескин камайтирилиб, имтиёзли кредитлаш механизми жорий этилди. Буларнинг барчаси кичик бизнес субъектлари сони тобора кўпайиб, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бизнинг “Agro Bio Kimyo” масъулияти чекланган жамиятимиз бу каби имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин оширмоқда.

Корхонамизга 2007 йилда асос солинган бўлиб, дастлаб дезинфекцияловчи воситалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эдик. Фаолиятимизни янада кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида изланишларимиз ўз самарасини берди. Орадан кўп вақт ўтмай,

(Давоми 3-бетда).

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида

Республика Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р. Қодиров бошқарган йиғилишда ногирон болаларни соғломлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишлар, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда Мурувват уйларида тиббий-ижтимоий реабилитацияни таъминлашга оид қонунлар ижроси ва ушбу масала юзасидан Бухоро вилоятида амалга оширилган чора-тадбирларнинг ҳолати муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида мақсадли дастурлар қабул қилиниб, изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда.

Ногирон болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги қонунлар мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Йиғилишда ногирон болаларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси доирасидаги тадбирлар кўлами йил сайин кенгайиб бораётганлиги қайд этилиб, жорий йилнинг ўтган даврида ногирон болаларнинг 1428 нафари реабилитация қилинганлиги, 1265 нафари протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситалари билан таъминланганлиги, 47379 нафари эса соғломлаштирилганлиги таъкидланди.

Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига Бухоро вилоятида ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада қабул қилинган ҳудудий дастурлар асосида ногирон болалар тарбияланаётган оилаларга моддий ёрдам берилган, маҳаллий бюджет ва ҳомийлик маблағлари эвазига тиббий-ижтимоий муассасалар биноларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қодир миллий армияни ташкил этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Истиқлол йилларида Қуролли Кучларимизни тузиш ва ташкил этишнинг мутлақо янги принциплари, армияни ислоҳ қилиш бўйича узоқ муддатли дастур ишлаб чиқилди.

МИЛЛИЙ АРМИЯ – ЭЛ-ЮРТИМИЗ ИФТИХОРИ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий офицерлар уйида миллий хавфсизлигимизни таъминлашда Қуролли Кучларнинг ролига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда манфаатдор вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, муассасалар вакиллари, олий ҳарбий ўқув юртларининг профессор ҳамда ўқитувчилари қатнашди.

Ўзбекистон мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Н. Муллабоев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари F. Мирзаев, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази директорининг ўринбосари Ш. Тўраев ва бошқалар мустақиллик йилларида армиямизнинг

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Қўшма корхонанинг харидоргир маҳсулоти

СУРХОНДАРЁ. *Термиз шаҳридаги “Grand shifer” қўшма корхонасида шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга тушди.*

85 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ойига 45 минг донадан зиёд сифатли томёпқич материаллари тайёрланмоқда. Ушбу лойиҳага 1 миллион 789,4 минг АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди. Корхона маҳсулотлари сифатлилиги ҳамда нисбатан арзонлиги боис қисқа муддатда харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Таъкидлаш керакки, Термиз шаҳрида 2011 йилнинг иккинчи ва учинчи чорагида кичик корхоналар ташкил этилиши ҳисобига 200 та иш ўрни яратилди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Бахмал»нинг сифатли мебеллари

НАВОИЙ *вилоятида жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 146,7 миллиард сўмни ташкил этди.*

Хусусан, Навоий шаҳридаги “Бахмал” масъулияти чекланган жамиятига “Ўзбек Лизинг Интернейшнл” компаниясининг 258 минг АҚШ долларилик кўмаги билан Италиядан мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган илғор технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ўтган қисқа муддатда бу ерда сифати ва бежиримлиги жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайдиган 270 миллион сўмлик юмшоқ мебеллар тайёрланди.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Касаначилик маркази чорлайди

БУХОРО. *Қоровулбозор тумани қишлоқларида яшовчи 15 нафар хотин-қиз фойдали меҳнатга жалб этилиши билан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қошидаги касаначилик марказида ишловчилар сони 630 нафарга етди.*

Мазкур марказ ҳамда унинг Ғиждувон ва Шофиркон туманларидаги шохобчалари томонидан жорий йилда 550 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришилди.

Умуман, туманда касаначиликни ривожлантириш орқали 420 та иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қулай ва кўркам

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ *тумани марказидаги “Янгибозор деҳқон бозори” қайта реконструкция қилиниб, Янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилди.*

“Металл қурилиш сервис” ҳамда “Баркамол савдо бахт” масъулияти чекланган жамиятлари бунёдкорлари томонидан бу ерда 900 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Шунингдек, бозор ҳудудида 55 та замонавий дўкон ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Эътиборлиси, мазкур замонавий савдо мажмуасида сотувчи ва харидорлар учун барча қулайлик яратилган.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” ва “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ижроси таҳлил этилди.

Парламент назорати

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, масс-медиа ва ноширлик тармоғи, нодавлат оммавий ахборот воситаларини изчил тараққий топтириш, шу жумладан, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бу борада бозор механизмларидан унумли фойдаланиш, кадрлар салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётир, бунинг учун зарур қонуний пойдевор яратилган.

Муҳокамалар жараёнида қонунлар ижроси ўрганилган ҳудудларда муайян ишлар амалга оширилгани айтиб ўтилди.

— Бугунги кунда Андижон вилоятида ўттиздан ортиқ газета, иккита журнал, учтадан теле ва радиоканал фаолият кўрсатмоқда, — деди қўмита аъзоси Ш. Деҳқонов. — Айни чоғда Сирдарё вилоятида ўттизга яқин ОАВ мавжуд. Улар мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-социал янгиликлар хусусида аҳолини ўз вақтида сифатли ахборот билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда.

Йиғилишда соҳага доир қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашда айрим камчиликларга йўл қўйилаётгани қайд этилди.

— Жумладан, муассислар билан таҳририят ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятлар баъзи ҳолларда бажарилмаётгани, босма нашрларни чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришларни тайёрлаш, эфирга узатишда кўзда тутилган талабларга риоя этилмаётгани аниқланган, — деди қўмита аъзоси Д. Холиқова. — Шу билан бирга, таҳририятларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, журналистларнинг ихтисослашувига эътиборни кучайтириш, ноширлик фаолиятига инвестиция ҳамда илғор технологияларни кенг жалб қилиш жабҳада замон талабларига мос хизматларни кўрсатишни янада ривожлантиришда айни муддао эканлигига урғу берилиб, муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Саиджон МАХСУМОВ.

МЕҲР НУРИДАН ЧАРОҒОН ДИЛЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Янги йил байрамини орзиқиб кутгандик, — дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Вика Зайчинкова. — Қорбобо, Қорқиз, арча, қиш ҳақида шеърлар ёд олдик. “Президент арчаси” биз учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Дарҳақиқат, болажонлар юзидаги табассум айни пайтда мамлакатимизда камол топаётган ёшларнинг нечоғли бахтиёр авлод эканлиги ифодасидир.

Эстрада, театр, рақс, цирк санъати юлдузлари, болалар бадиий жамоаларининг чиқишлари тадбирнинг янада файзли ўтишини таъминлади.

Барча болаларга Президентимизнинг байрам совғалари топширилди.

Айни пайтда бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юксак савияда давом этмоқда.

Ф. БЎТАЕВ.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ҲУҚУҚИЙ АСОС

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги қарорига тегишли таҳририй ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартишларда меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериладиган интеллектуал мулк объектлари санаб ўтилади.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши интеллектуал мулк соҳасидаги қоида ва атамаларнинг бир хилда қўлланишини, юридик ва жисмоний шахсларни ортиқча молиявий харажатлардан халос этишни, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кенгайишини таъминлайди.

И. МИРЗААЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ МУКАММАЛ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбир чоғида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини рўёбга чиқаришнинг натижалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ушбу дастур асосида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш юзасидан мажмуавий чора-тадбирлар қўлланилгани, бизнес аҳли учун қулай иш муҳити яратилгани, хусусий мулк аҳамияти ошгани, шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилаётгани алоҳида таъкидланди.

“Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиум якунларига бағишлаб Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги бош консуллигида ташкил этилган брифингда Таиланд Қироллигининг ташқи ишлар, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш вазирликлари, дипломатик корпуслар, жамоатчилик ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари, “Бангкок Хоспитал” педиатрия шифохонасининг етакчи мутахассислари ҳамда журналистлар қатнашди.

Унда мустақил ривожланиш йилларида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофазалаш ва мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камол топтириш борасидаги ислоҳотлар самаралари ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг миллий моделини амалга оширишга доир ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, **Таиланд Соғлиқни сақлаш вазирлигининг халқаро ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи Ю. Читкарун**нинг таъкидлашича, “Халқаро симпозиумнинг ташкил этилишини, унинг даражаси ва иштирокчилари сонини Таиланд томони юқори баҳолади. Ушбу брифинг Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар натижалари ҳамда соғлом авлод тарбияси масалаларига давлат томонидан кўрсатилаётган алоҳида эътибор, катта ғамхўрлик билан танишиш учун яхши имконият яратди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур халқаро симпозиумдаги маърузаси ҳамда ушбу тадбирга оид материаллар ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, **Таиланд ижтимоий муҳофаза вазирининг ўринбосари В. Интрапувасак** кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида олиб борилаётган ишлар кўламининг кенглиги эътиборга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Унинг фикрича, катта миқдордаги молиявий маблағлар ажратиш йўли билан сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар яратилгани, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг барпо этилгани, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, ижтимоий соҳадаги давлат стратегиясининг тўғри эканлигини яққол тасдиқлайди.

“Бангкок Хоспитал” педиатрия шифохонаси бўлими раҳбари С. Китманска оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўзбек шифокорлари ва мутахассисларининг ғамхўрлигидан ҳамда юқори малакали эканлигидан мамнун бўлганини қайд этди. Унинг айтишича, участка врачлари иш тизимининг ташкил этилиши, бўлажак оналар мунтазам ва бепул асосда диагностиканинг барча замонавий усулларини ўз ичига олган тиббий назорат остида бўлиши диққатга сазовордир. “Буларнинг барчаси мамлакатда она ва бола саломатлиги ҳимоясининг юқори даражадалигини кўрсатади”, деди у, жумладан.

Шунингдек, **Таиланд Қироллиги парламентининг аъзоси, “Тхай Рат” газетаси ходими Н. Наваратна**нинг фикрича, “Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг мукаммал тизими яратилган”.

«Жаҳон» АА.

МИЛЛИЙ АРМИЯ – ЭЛ-ЮРТИМИЗ ИФТИХОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қиёфаси, аҳамияти ва жанговар имкониятлари, ҳарбий жамоаларда маънавий-ахлоқий муҳит тубдан ўзгарганини таъкидлади.

Конференцияда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобига таянган ҳолда, халқимиз асрлар давомида орзу қилган мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети, миллий ғоя ва мафкурамизни ҳимоя қилиш нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, миллий армиямизни ислоҳ этиш босқичлари, бу борада ҳаётга татбиқ қилинган туб ислоҳотлар, офицер ҳамда сержантларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ахборот берилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири.

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШ САМАРАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2007 йилга келиб эса корхона жамоаси Жиззах аккумулятор заводига моноблоклар етказиб беришни йўлга қўйди. Бунинг учун 120 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк кредити ҳисобига хорижнинг йилига тўрт юз минг дона ҳар хил турдаги моноблоклар ишлаб чиқарадиган замонавий линияси ишга туширилди. Корхона жамоаси яқинда яна бир янгиликка қўл урди: моноблок ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган мусбат ва манфий втулкалар тайёрлашни ўзлаштириш арафасида турибди.

Табиийки, изланиш, интилиш, бозор тамойиллари асосида иш юритиш корхона фаолияти кенгайишида қўл келмоқда. Масалан, ўтган йили жамиятда бир миллиард 597 миллион сўмлик, 205 минг донадан ортиқ моноблок тайёрланган бўлса, жорий йилда бир миллиард 700 миллион сўмликдан зиёд, 310 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилди. Умуман, корхонада ўтган йиллар давомида олинган даромадлар модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, ходимлар турмуш шароитини яхшилаш, хайрия ишларига йўналтирилаётгани диққатга сазовордир.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: оператор Ғиёсбек Собиров; цех бошлиғи Баҳром Полвонов, ишчилар Анвар Ёқубов ва Қувондиқ Собиров маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги элчихонаси томонидан мамлакатимиз транспорт-логистика салоҳиятининг тақдимоти ўтказилди. Мазкур тадбирда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолияти доирасида Навоий шаҳар аэропорти базасидаги Халқаро интермодал логистика маркази томонидан кўрсатиладиган хизматлар хусусида йиғилганларга батафсил маълумот берилди.

КУАЛА-ЛУМПУРДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Эътироф

Тақдимот маросимида “Fortune Global (International) Sdn Bhd”, “On Time Malaysia Worldwide Logistics”, “Gloshipping & Logistic Private Ltd.”, “Pacific Heights Sdn Bhd”, “Glomac Berhad” ва бошқа бир қатор транспорт-экспедиторлик компаниялари вакиллари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари Европа ва Осиё ўртасидаги асосий халқаро транспорт йўлаклари бўйида стратегик жиҳатдан қулай жойлашган Халқаро интермодал логистика марказининг омбор терминалларида экспорт-импорт ва транзит юкларини жойлаш ҳамда сақлаш имкониятлари билан атрофлича танишдилар. Шу билан бирга, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида хорижлик сармоядорлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдимот иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Тадбир қатнашчилари Навоий шаҳридаги логистика маркази, ҳақиқатан ҳам, Европадан Осиёга ва аксинча, Осиёдан Европага юк ташишни амалга оширадиган транспорт-экспедиторлик компаниялари учун минтақавий ҳамда субминтақавий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Навоий шаҳар аэропорти базасидаги Халқаро интермодал логистика маркази турли транспорт воситаларида юк ташилиши бўйича дунё логистика тармоғининг минтақавий маркази бўлиши учун барча имкониятларга эга эканлиги алоҳида қайд этилди. Шу боис Малайзиянинг транспорт-экспедиторлик ва авиация компаниялари Ўзбекистон билан тўлақонли ҳамкорлик ўрнатишга тайёрдирлар.

Тақдимот чоғида мазкур логистика маркази ноёб географик жойлашувга эга эканлиги истиқболда бу мажмуанинг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар экспорти учун ривожланган логистика масканига айланишини таъминлашига умид билдирилди.

Шунингдек, тадбирда Малайзия компаниялари вакиллари Ўрта Осиё, Форс кўрфази ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари йўналишлари бўйлаб юк ташиш учун ўзбекистонлик шерикларга эга бўлишдан ҳамда Тошкентда ўз ваколатхоналарини таъсис этишдан манфаатдор эканликларини айтиб ўтдилар.

«Жаҳон» АА.
Куала-Лумпур

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, ногиронликни белгилаш ҳамда ижтимоий тўловларни амалга ошириш, протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация-техник воситаларини етказиб бериш, ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда Мурувват уйларида ногирон болаларга таълим-тарбия бериш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан ногирон болаларни соғломлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббий-ижтимоий реабилитация жараёнида йўл қўйилаётган қонунбузилиши ҳолатлари сабабларини бартараф этиш, ушбу масалада масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, комиссия аъзоси А. Ҳаитовнинг ҳисоботи эшитилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг	УН олий нав 857,7 ▲ +4,0	УН биринчи нав 653,1 ▼ -3,1	УН иккинчи нав 593,3 ▲ +9,8	ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +2,4	СУЛЬФАТ АММОНИЙ 220,6 ▲ +0,04

ЖАҲОН 24 соат ичида

Етакчилар сафига қўшилди

Бразилия ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Буюк Британияни қувиб ўтди ва дунёнинг иқтисоди бақувват мамлакатлари рўйхатида олтинчи поғонага кўтарилиб олди.

Бунга у Хитой ва Шарқий Осиё давлатларига экспорт ҳажмини ошириш орқали эришган. Экспертлар фикрига кўра, ҳозир Осиёда Европага нисбатан иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётгани савдо-сотиқнинг ривожланишида асосий омил бўлган.

Зилзила содир бўлди

Тува Республикасида 6,7 балли зилзила содир бўлди.

Ер силкинишининг маркази пойтахт Кизил шаҳридан 96 километр узоқликда қайд этилган. Қутқарувчилар табиий офат яна юз бериши эҳтимоли борлиги учун маҳаллий аҳолини бир муддат уйларига кирмай туришга чақирган. Зилзила оқибатида вайроналар кузатилмаган. Қурбонлар ва жабрланганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Зилзила таъсири Сибирнинг бир қатор шаҳарлари, шунингдек, Томск ва Красноярскда ҳам сезилган.

Кема гаровга олинди

Оман қирғоқларида Италияга қарашли "Энрико Иеволи" номли юк кемаси гаровга олинди.

Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Аммо ҳозирча унга ким томонидан ҳужум уюштирилгани аниқ эмас. Тахминларга қараганда, бу сомалилик қароқчиларнинг иши бўлиши мумкин. Кема гаровга олинган вақтда унинг бортида бўлган 18 нафар экипаж аъзосига ҳеч қандай зарар етмаган.

"Энрико Иеволи" 2006 йилда ҳам қароқчилар ҳужумига учраганди. Ўшанда Италия ҳарбий кемаси ҳимоясида у тутқунликка тушишдан қутулиб қолганди.

Тежамкорлик соғлиққа зарар

Сир эмаски, кўпчилик пулни иқтисод қилиш ва бойлик тўплашни хуш кўради.

Аммо шу тоифага кирувчилар бунинг оқибатида инсон учун муҳим бўлган соғлиққа путур етишига эътибор қаратишмас экан. АҚШнинг Миссури университети профессори Густаво Карлонинг таъкидлашича, тежамкорлик натижасида, айниқса, болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши ортга сурилади. Бунга уларнинг организм учун зарур витаминларни истеъмол қилмаслиги сабаб бўлади.

Хабарчи шерлар

Кения қўриқхоналаридан бирида сақланаётган шерлар хизматчиларга "SMS" хабарлари "жўната олади".

Бунинг учун улар бўйинларига ўрнатилган махсус ускунадан фойдаланадилар.

— Қўриқхонамиз майдони жуда катталиги боис жониворларни назорат қилиш бир оз мушкул, — дейди ушбу муассаса ходими. — Мазкур ускуна орқали шерларнинг қаердалигини билиб олса бўлади. Келгусида бошқа ҳайвонларни ҳам ана шундай мосламалар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Судда жавоб беради

2012 йилнинг 1 февраль куни футбол бўйича Англия терма жамоаси сардори Жон Терри устидан маҳкама жараёни бошланади.



Бунга унинг "Куинз Парк Рейнджерс" клуби аъзоси Антон Фердинандни ирқий камситгани сабаб бўлди. Ушбу воқеа 2011 йилнинг 23 октябрь куни улар тўп сураётган клублар ўртасидаги ўйинда келиб чиққан. "Куинз Парк Рейнджерс" 1:0 ҳисобида "Челси"ни мағлубиятга учратган ўша учрашувдан кейин Антон Терри уни таҳқирлагани ҳақида полицияга арз қилганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

импорт ўрнини босувчи ветеринария препаратлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги "2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий

МОДЕРНИЗАЦИЯ ЯРАТГАН ИМКОНИЯТ

ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги қарори ижроси корхонамиз ҳаётида туб бурилиш ясади. Бундай дейишимнинг сабаби шуки, ушбу Дастурга кўра, ўтган даврда мавжуд цехларимиз техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинди. Бу ишларга 200 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Натижада дори воситалари ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Айни пайтда корхонамизда 35 киши иш билан таъминланган. Улар хорижнинг замонавий ускуналари ёрдамида 30 турдаги дезинфекцияловчи воситалар, ветеринария ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти. Маҳсулотларнинг сифати юқори, баҳоси эса хорижникига нисбатан арзонлиги туфайли уларга бўлган талаб тобора ортиб бораяпти. Жорий йилда маҳсулот сотиш ҳажми 50 фоизга ўсиши кутилаётгани бунинг яққол далилидир.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг биз, тадбиркорларга эътибори, кўрсатаётган ғамхўрликлари барчамизни фидокорона меҳнат қилишга, янгидан-янги марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда.

Алишер ТЕМИРОВ,
Қибрай туманидаги «Agro Bio Kimyo» МЧЖ раҳбари.

КАМОЛОТГА ИНТИЛГАН АВЛОД

Ёш авлоднинг ҳар томонлама етук шахс бўлиб камолга етишини таъминлаш устувор мақсадларимиздан биридир. Зеро, изланувчан, билимдон ёшларга қулай шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиб бериш фаровон келажагимизнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимиз таълим муассасаларида таҳсил олаётган навқирон ўғил-қизларнинг иқтидорини юзага чиқариш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Турин политехника университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган академик лицейда ҳам айни долзарб жиҳатни эътиборга олган ҳолда, ёшларга таълим берилаётир. Лицейда тажрибали устоз-мураббийлар томонидан янгича педагогик технологиялар асосида кундалик дарс соатлари ва қўшимча машғулотлар йўлга қўйилган.

Таълим

— Таълим даргоҳимизда 400 нафар ўқувчи билим олмоқда, — дейди лицей директори Азимжон Юсупов. — Улар учун жаҳон андозалари даражасидаги муҳташам ўқув биноси, компьютер, лингафон, проектор, ахборот-ресурс маркази, спорт мажмуаси сингари қулайликлар яратилган. Ёшларга класстор, музёрар, видеослайд тақдимоти сингари ўзига хос услубларда билим берилмоқда. Ўқувчилар тушдан сўнг, яъни асосий дарслар ниҳоясига етгач, ўзлари қизиққан йўналиш бўйича тўгарак машғулотларига жалб этилади.

Дарҳақиқат, ўқув масканида барча ихтисослик фанлари ва хорижий тиллардан, шунингдек, спорт йўналишида ўттизга яқин тўгараклар фаолият кўрсатмоқда. Яқинда эса "Автомобилсозлик" тўгараги аъзолари учун махсус танлов эълон қилинибди. Унга мувофиқ, ёш техниклар тежамкор, замонавий дизайндаги автоуловлар моделини яратиб, унинг тақдимотини ўтказишлари керак. Бунинг учун ўқув биносида махсус павильон мавжуд бўлиб, бу ерда бўлажак ихтирочилар ўзлари яратган моделларни пульт орқали бошқарган ҳолда унинг хусусиятларини батафсил таърифлаб беришади.

— Замонавий техника сирларини билишга ниҳоятда қизиққаним боис дарсдан бўш вақтда "Автомобилсозлик" тўгарагига қатнайман, — дейди лицейнинг 1-босқич гуруҳи ўқувчиси Сардор Рўзиқулов. — Дарсдан ташқари техник машғулотлар билан шуғулланиш назарий билимларимизни мустаҳкамлашда қўл келаяпти. Чунки тўгаракда автомашиналарнинг энг кичик деталларигача чуқур ўрганамиз. Схемали видеослайд, жамоавий савол-жавоб сингари машғулотлар, лицей миқёсида ўтказиладиган турли кўрик-танлов ва беллашувлар танлаган соҳамизга қизиқишимизни янада оширмоқда.

Аҳамиятлиси, ўқув масканида барча фанлардан дарслар инглиз тилида ўтказилади. Бу ўқувчиларнинг келажакда энг нуфузли олий ўқув юртларига кириб, таҳсилни давом эттиришлари учун йўлга қўйилган яна бир ўзига хос ўқитиш услубидир.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.

● Реклама ва эълонлар ●

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар тақроран қўйилмоқда:

I. Суд ижрочилари Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан, Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. «СУ-855» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган савдо дўкони, қурилиш майдони — 843,0 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 129 176 420 сўм.

2. «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар ҳамда барча мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 1 200 923 919 сўм.

3. «Мадрид интер плюс» МЧЖга тегишли, Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган бино ва иншоотлар ҳамда барча мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида.

Бошланғич баҳоси — 613 675 918 сўм.

4. ХЁАТБ «Парвина-банк»ка тегишли, Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-«Б» уйда жойлашган 1 қаватли офис биноси, қурилиш майдони — 362,86 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 119 262 978 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 17 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мол-мулклар 2012 йил 17 январдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 31 январь ва 14 февраль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

II. Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан, ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 2011 йил 6 июлдаги 13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Туркистон кўчаси, 21-уйда жойлашган, Н. Ҳожиев номли ихтисослаштирилган бозор ҳудудидаги умумий майдони 3707,85 кв.м., қурилиш майдони 1980,19 кв.м. бўлган, «СЗ Самарқанд ЗАР» хусусий фирмасига расмийлаштирилган 14 турдаги дўкон, ресторан, бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 646 290 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу мол-мулклар 2012 йил 31 январдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 14 ва 28 февраль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.

18269/773

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2011 йил 4 январдаги 2405/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Бинокор кўчаси, 45-уй манзилида жойлашган, 5 хонали, пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 63,45 кв.м. бўлган уй қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 353 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 31 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 27 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Корақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.

Лицензия: RR-0001.

18259/773

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Жанубий Осиё тиллари кафедраси мудири, профессор
Ансориддин ИБРОҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази жамоаси маслаҳат поликлиникасининг мудири Ойсара Мираҳмедовага онаси
МУСАЛЛАМ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банк ходими
Акбар ДАМИНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Неонатология кафедрасининг мудири, профессор Анвар Алимовга падари бузруквори, Патологик анатомия кафедрасининг собиқ мудири, профессор
Вали АЛИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзмал ойл" қўшма корхонаси жамоаси бош ҳисобчи
Туленди БОЙКИЗИЛОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

ОМИХТА ЕМ 365,7 ▲ +4,7	ШРОТ 317,6 ▲ +11,4	ШЕЛУХА 127,6 ▲ +0,9	ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 4013,1 ▲ +263,6	ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3352,8 ▼ -220,7	ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3588,7 ▼ -168,9	МАЗУТ 351,6 ▲ +10,5	СУЮЛТ. ГАЗ 870,5 ▼ -9,4	КЎМИР(бпк) 40,3 ▲ +1,0

Ўзбек миллий академик драма театрида “Юрагимни болаларга бағишлайман” деб номланган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда “Sen yolg`iz emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда “Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи” ва “Энг яхши тарбиячи” номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

«ЮРАГИМНИ БОЛАЛАРГА БАҒИШЛАЙМАН»

Тадбирнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳар бир фарзанд меҳр, эътибор ва самимий ғамхўрлик оғушида камол топмоқда. Зеро, ёш авлоднинг маънавий фазилатлар соҳиби, билим ва дунёқараши кенг шахс бўлиб шаклланишида эзгуликка йўғрилган тарбия беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис бугун юртимизда ижтимоий кўмакка муҳтож болаларнинг бошқа тенгқурлари сингари беминнат меҳру мурувватдан баҳраманд бўлиб улғайишини таъминлаш борасида юксак шарт-шароитлар яратилмоқда. Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муассасалардаги шароит оила муҳитидай бекаму кўст бўлиши учун зарур қулайликлар яратиш, қолаверса, ушбу соҳада меҳнат қилаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш каби хайрли юмушлар шулар жумласидандир.

Танлов

Мамлакатимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов ҳам меҳрталаб болалар тарбиясига алоҳида эътибор билан ёндашув, уларнинг иқтидори, салоҳиятини юзага чиқаришда самарадор саналган янгича педагогик услубларни кенг миқёсда тарғиб қилиш, тарбиячи ва мураббийларнинг билими ҳамда касбий маҳоратини янада оширишда муҳим ўрин тутаётир. Бинобарин, “Юрагимни болаларга бағишлайман” деб номланган бу галги танловда Меҳрибонлик уйларидаги маънавий-маърифий тарбиянинг янгича ва ўзига хос услубларини ишлаб чиқиш, бу борада замонавий технологиялар имкониятидан унумли фойдаланиш, шунингдек, болаларнинг жамиятга мослашувида яқиндан кўмаклашиш, уларни ҳуқуқий-ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш масалаларига асосий урғу берилди. Юқоридаги тамойилларга биноан иш олиб бораётган муассасалар ходимлари муносиб рағбатлантирилди. Жумладан, кўрик-танловда пойтахтимиздаги 30-Меҳрибонлик уйи “Йилнинг энг яхши Меҳрибонлик уйи”, деб топилди. Антонина Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси Лев Асрянц эса “Энг яхши тарбиячи” номинацияси бўйича ғолибликка сазовор бўлди.

М. АНВАРОВА.

Бунёдкорлик

Йўл бўйидаги инфратузилма

“Тошкент — Ўш” автомагистралининг Оҳангарон туманидан ўтувчи қисмида бир вақтнинг ўзида 200 кишига хизмат кўрсатувчи умумий овқатланиш мажмуаси қуриб битказилди.

Бунинг учун “Миразиз доно сервис” хусусий корхонаси ўз ҳисобидан 400 миллион сўм сарфлади. Ҳадемай мажмуада маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи шохобчалар ҳам фаолият бошлагач, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 100 нафарга етади.

Таъкидлаш жоизки, 2011 — 2012 йилларда мазкур автомагистраль ёқасида хизмат кўрсатиш ва сервис тармоқларини ривожлантириш учун 1,5 миллиард сўм йўналтириш мўлжалланган.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янги йил арафасида Олот туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун спорт зали бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўқувчилар учун қулайлик

Бу ерда ёшларнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси каби спортнинг ўнлаб турлари билан мунтазам шуғулланишлари учун барча қулайлик яратилди. Мазкур иншоот қурилишига 258 миллион сўм йўналтирилди.

Жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 миллиард 600 миллион сўмлик сармоя эвазига вилоятдаги 6 та умумтаълим мактабида ана шундай замонавий спорт мажмуаси барпо этилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яхши хабарлар

Соҳибкорлар туҳфаси

Самарқанд шаҳрида вилоятдаги фермер хўжаликлари, соҳибкор ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан байрам олди савдо ярмаркалари ташкил этилди.

Хусусан, Ургут ва Пайариқ туманлари фермерлари шаҳар аҳлини олма, узум, қовун-тарвуз сингари нознеъматлар билан таъминлаётган бўлса, “Насиба парранда”, “Оҳалик Ломанн парранда” сингари корхоналар байрам дастурхонига тухум ва парҳез гўшт етказиб бермоқда. Ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг сифатли ва арзонлиги харидорларга манзур бўлмоқда.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

● Табрик ва реклама ●

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 214,0 ▲ +1,5 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 КД20) 190,8 ▼ - 14,5 | АРМАТУРА 3738,4 ▲ +468,9 | ШИФЕР (1 лист) 15000 ▲ + 2377 | АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ + 0,5 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5